

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib. 29.01**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ХУСАНХОДЖАЕВА МАЛИКА ТУРСУНХОДЖАЕВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ҲОМИЛАДОРЛИК ВА
ҲОМИЛАСИ БЎЛМАГАН ДАВРЛАРДА БАЧАДОН МИОМАСИ
ДАВОСИНИНГ ЖАРРОҲЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Хусанходжаева Малика Турсунходжаевна Репродуктив ешдаги аёлларда хомиладорлик ва хомиласи бўлмаган даврларда бачадон миомаси давосининг жарроҳлик тамойиллари	3
Хусанходжаева Малика Турсунходжаевна Хирургические аспекты лечения миомы матки вне и во время беременности среди женщин репродуктивного возраста	24
Khusankhodjaeva Malika Tursunkhodjaevna Surgical aspects of treatment uterine myoma out of and during pregnancy among women of reproductive age	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	57

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib. 29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

ХУСАНХОДЖАЕВА МАЛИКА ТУРСУНХОДЖАЕВНА

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА ҲОМИЛАДОРЛИК ВА
ҲОМИЛАСИ БЎЛМАГАН ДАВРЛАРДА БАЧАДОН МИОМАСИ
ДАВОСИНИНГ ЖАРРОҲЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib28 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) тилда Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «Ziynet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Заур Джавдатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пахомова Жанна Евгеньевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нигматжанов Баходур Болтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мавлян-Ходжаев Равшан Шухратович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

ФГАО УВОП МГМУ И. М. Сеченов номли
Россия Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги 27.06.2017.Tib.29.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: tashpmi@gmail.com).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223.Тел.: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э. А. Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д. И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда бадачадон миомаси (БМ) энг кенг тарқалган ўсимта бўлиб, аёллар репродуктив тизими жарроҳлик касалликлари ичида етакчи ўринларидан бирини эгаллаб келмоқда. ЖССТнинг маълумотларига кўра дунёда бачадон миомасининг тарқалганлик даражаси 35%ни ташкил қилади¹. Сўнгги йилларда БМ билан касалланиш даражасининг ўсиши кузатилиб, хомиладорлик даврда учраши кўпайиб 4% ташкил қилмоқда. Хомиладорликдаги БМ нинг 81,2% ҳолатида ҳомиланинг тушиб қолиш хавфи, 39,6% ҳолатларда фетоплацентар етишмовчилик ва 10% ҳолатларда асоратлар юзага келиши кузатилмоқда. Бугунги кунда БМни даволашга бир қанча ёндашувлар: фармакологик ва жарроҳлик: гистерэктомия, миомэктомия (МЭ), МРТ назорати остида фокусланган ультратовушли абляция ва бачадон артериясини эмболизациялашни (БАЭ) ўз ичига олувчи даволаш усуллари ишлаб чиқилишига қармасдан репродуктив фаолиятнинг ёмонлашуви натижасида хомиладорликнинг эрта муддатларида бола ташлашлар ортиб бормоқда.

Жахон миқёсида БМ жарроҳлик йули билан даволаш энг самарадор усуллардан бири ҳисобланади ва у тугунларни энуклеация қилиш ёки бутун бачадонни олиб ташлаш йўли билан амалга оширилади, шу сабабли репродуктив ёшдаги аёллар орасида ногиронлик даражаси ўсиб бормоқда. Шунинг учун туғруқ фаолиятини сақлаб қолган ҳолда, БМ жарроҳлик йўли билан даволашнинг самарадор усуллари ишлаб чиқишга қаратилган кўп сонли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Репродуктив ёшдаги аёлларда хомиладор ва хомиладорлик бўлмаган даврларда бачадон миомасини даволашда замонавий жарроҳлик амалиётини қўллаш; хомиладорларда МЭ ўтказиш самарадорлигини баҳолаш; оддий ва пролиферацияланувчи бачадон миомасида морфологик, морфометрик ва иммун-гистокимёвий хусусиятларини аниқлаш; МЭни ўтказишда бачадон реконструкциясининг янги усуллари ишлаб чиқиш; шунингдек БМ бўлган беморларни операциядан олдинги ва кейинги даволаш чора-тадбирларининг замонавий усуллари ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Республикамизда репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника

¹ ЖССТ маълумотлари, 2014, Khaund, Lumsden, 2008; Jaslow, 2014).

² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

базасини мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустахкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, репродуктив ёшдаги аёллар ҳомиладорлик ва ҳомиласи бўлмаган даврларида бачадон миомасини эрта ташхислаш, қатор гинекологик касалликларни ташхислаш ва юқори замонавий усуллар ёрдамида даволаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон Қарори билан тасдиқланган «2016–2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомиладор ва ҳомиладорлик бўлмаган даврларда, бачадон миомасини даволашнинг жарроҳлик амалиётини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Colorado Denver; University of Florida (АҚШ); University of Oxford (Англия); University of Rome Sapienza (Италия); Institute for Quality and Efficiency in Health Care: Germany (Германия); Universidade Nova de Lisboa (Португалия); Jiao Tong University, Shandong University (Хитой); Tzu-Chi University, National Yang-Ming University, National Chiao-Tung University, Fong-Yuan Hospital (Тайван); Comenius University (Словакия); University of Oulu, Tampere University (Финландия); University Montreal, University of Calgary (Канада) олиб борилмоқда.

Жаҳонда репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон миомасини даволашнинг замонавий жарроҳлик усулларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: бачадон

³ <http://www.ucdenver.edu>, www.ufl.edu, www.unl.pt, www.en.sjtu.edu.cn, www.cu.edu, www.ufl.edu, www.eng.tcu.edu.tw, www.nymu-e.web.ym.edu.tw, www.nctu.edu.tw, www oulu.fi, www.ox.ac.uk, www.en.sdu.edu.cn, www.fyh.mohw.gov.tw, www.uniba.sk, www.pshp.fi

миомасини ва бепуштликни профилактика кўрсаткичларини кўтаришга йўналтирилган скрининг тизими схемаси ишлаб чиқилган (Odense University, Дания); экзо- ва эндоген омилларнинг БМ га таъсири исботланган (University of Rome Sapienza, Италия); бачадон миомасини эмболизациядан кейин репродуктив фаолиятнинг тикланиши исботланган (Universidade Nova de Lisboa, Португалия); МЭ ўтказишда лапароскопик жаррохлик амалиётини қўллаш самарадорлиги ва хавфсизлиги исботланган (Tzu-Chi University, Тайван); семириш, гипертония, қондаги липидлар миқдорининг ортиши каби метаболик ўзгаришлар бачадон миомасининг ривожланишига таъсир қилиши ва бепуштликнинг юзага келиши исботланган (University of Oulu (Финландия), (Institute for Quality and Efficiency in Health Care Germany, Германия); National Institute of Endocrinology, Куба); транвагинал миомэктомиядан кейин ҳомиладорликни юзага келиши исботланган (Tampere University, Финландия);

Бугунги кунда жаҳон миқёсида репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомиладорлик ва ҳомиладор бўлмаган даврларда бачадон миомасини даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: пролифератив БМни ташхислаш ва даволаш; БМнинг МЭ дан сўнг рецидив келтириб чиқарувчи асосий омилларини аниқлаш; БМнинг асоратланган шакли билан оғриган беморларда репродуктив фаолиятнинг тиклаш долзарб мавзу бўлиб қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина тадқиқотчилар фикрига кўра, аъзо сақлаб қолувчи ва кичикинвазив операцияларидан кейин БМнинг рецидивланиш мавзуси етарли даражада ўрганилмаган (Пахомова Ж. Е., 2008; Ахмедова Н. М., 2012; Адамян Л. В., 2014).

БМнинг МЭдан сўнг рецидивланиши, кичикинвазив даволашдан етарли самарадорлик кузатилмаслиги ҳамда БМ гистотиби орасидаги ўзаро алоқанинг кам ўрганилганлиги ўзига эътиборни тортади (Пахомова Ж.Е., 2002; Рахимов Х.П., 2009, Радзинский В.С., 2015).

Parkar et al. (2008), Malzoni et al. (2010) томонидан лапароскопия ва ми-нилапаротомиянинг солиштирма таққослаш тахлили ўтказилиб, кам қон кетиши, касалхонада қисқа муддат бўлиши, интра- ва операциядан кейинги асоратлар сони бир хил бўлган ҳолда ҳам, фертиллиқ кўрсаткичларининг даражаси яхшироқлиги билан лапароскопиянинг очиқ усулдан устунлиги исботланган. Бу фактни Jin et al. (2009) ва Agdi M. et al. (2010) лапароскопик МЭ амалиётини юқори квалификацияли мутахассислар томонидан ўтказилгандагина тўғри бўлиши, лекин лапароскопия операциясининг давомийлироқ бўлишини таъкидлаганлар.

Л. М. Исанбаеванинг (2002, 2004) тадқиқотларида БМ даволашда гестагенлар Дюфастон ва Депо-провера самарали эканлиги аниқланган. БМ адъювант даволашнинг янги йўналишига ароматаз ингибиторлари, эстрогенлар ва эстроген рецепторлари селектив модуляторлари, ҳамда сомастатинларнинг аналогларини қўллаш киради. (Ахмедова Н. М., 2008).

Е. М. Вихляева (2016)нинг фикри буйича, БМ хомиладорларни олиб бориш акушерлик ва гинекологиянинг мухим ва қийин муаммоларидан эканлигини таъкидлайди, бунда консерватив ва оператив даволаш усулларига аниқ мезонларни ишлаб чиқиш, яъни МЭ жараёни техникасини, касалларни операциядан олдинги ва кейинги олиб боришни оптималлаштиришни талаб этади. Хомиладорликнинг биринчи триместрида МЭ ўтказиш ва кесарево кесишнинг хавфсизлиги, фертилликнинг тикланиши, ёндош фон касалликларига боғлиқлиги, МЭ усулини танлаш ҳамда бошқа омиллар таъсирини аниқлаш йўналишидаги тадқиқотлар муаммолигича қолмоқда.

Абдоминал МЭнинг аёллар репродуктив саломатлигига таъсири тўғрисидаги масала очиклигича қолмоқда. Gavani M. et al. (2008) нинг фикрича бачадон бўшлиғини очиш ёки очмасдан ўтказилувчи ушбу операция тури, тугунларнинг жойлашиши, ўлчами ва сони оператив аралашувдан кейин хомиладор бўлиш ва унинг кечишига таъсир кўрсатмайди. Шу билан бирга, МЭ ни ўтказишда лапароскопик усулнинг қўлланилиши долзарблигича қолмоқда, аммо қатор муаллифлар томонидан лапароскопик МЭ ўтказилгандан кейинги хомиладорлик вақтида бачадоннинг ёрилиш ҳолатлари баён этилган (Kelly et al., 2008; Goynumer et al., 2009; Sutton et al., 2016). Шунинг учун хомиладорликнинг турли босқичларида МЭнинг беҳатарлиги масаласи долзарблигича қолмоқда. Ёндош фон касаллигидан келиб чиққан ҳолда фертилликнинг тикланиш масалалари кўп жиҳатдан ҳал этилмаган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасанинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг АТСС-9-2-19 «Ургент гинекологияда тухумдонлар ретенцион ўсмаларини даволаш баённомаларини жорий этиш» (2009-2011 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жаррохлик даволаш усулларини бачадон миомаси кузатилган аёлларда аъзони ва репродуктив фаолиятни сақлаб қолиш мақсадида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хомиладор булмаган репродуктив ешдаги аёлларда БМ сини оптимал жаррохлик даволаш услубини ишлаб чиқиш;

хомиладор ва хомиладор бўлмаган аёлларда миоматоз тугун озикланиши бузилганда шошилинич МЭ ўтказишнинг самарадорлиги ва беҳатарлигини баҳолаш;

хомиладор бўлмаган аёлларда жаррохлик нуқтаи назаридан ўтказилиши ўта қийин бўлган МЭда бачадон реконструкцияси усулини ишлаб чиқиш;

шошилинич ҳолатларда хомиладор ва хомиладор бўлмаган аёлларда миоматоз тугун озикланишининг ўткир бузилиши фонида МЭ ўтказишнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини баҳолаш;

миоматоз тугун озукланиши бузилиши мавжуд бўлган хомиладорларда МЭни ўтказишга кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар ва уни ўтказиш усулларини ишлаб чиқиш;

оддий ва пролиферацияланувчи бачадон миомасида, хомиладорлик ва хомиладор бўлмаган даврда морфологик, морфометрик ва иммун-гистокимёвий хусусиятларни аниқлаш;

хомиладор ва хомиладор бўлмаган репродуктив ёшдаги аёлларда МЭни ўтказишда ишлаб чиқилган бачадон реконструкцияси усулини, узок муддатли натижаларни ҳисобга олган ҳолда самарадорлигини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида репродуктив ёшдаги бачадон миомали 285 нафар бемор аёллар танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида аёллар вена қони ва зардобини, умумклиник ва биокимёвий таҳлиллар учун, бачадон биопсияси морфологик, морфометрик ва иммун-гистокимёвий таҳлиллар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, биокимёвий, УТТ, кўптармоқли сканерлаш, гистеросальпингография, компьютерли томография, доплерометрия, морфологик, морфометрик, иммун-гистокимёвий ва натижаларни статистик ишлов бериш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор йирик миоматоз тугунлар олиб ташлангандан сўнг бачадон деформацияси кузатилмаслиги учун, аъзо архитектурасини сақлаб қолиш ва гемостазиологик йўқотишларни олдини олиш мақсадида, чуқур уйик шакллантириш ва миометрийнинг “ортиқча” йиртмаларини оптимал тўпламини ҳосил қилиш орқали бажариладиган бачадон реконструкцияси усули ишлаб чиқилган;

БМ бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда хомила кўтара олмаслик ва бепуштликнинг асосий омили сифатида миоматоз тугуннинг жойлашиш чуқурлиги аҳамиятли эканлиги исботланган;

бачадон қон томирларини селектив билатерал боғлаш, хомиладор бўлмаган аёллар қон йўқотишининг камайтирувчи энг яхши ва хавфсиз усули эканлиги исботланган;

миоматоз тугуннинг митотик фаоллиги ва апоптоз даражаси орасидаги юқори даражадаги реципрок боғлиқлик аниқланган: апоптознинг даражаси (CD 95) пасайиши билан пролифератив фаоллик ошади: строма хужайралари маркери Кi67экспрессияси орқали аниқланувчи пролифератив фаоллик индекси ва неоангиогенез фаоллиги курсаткичи (CD 34 эндотелий маркери)аниқланган;

БМ рецидивини башорат қилишдаги асосий омиллар: миоманинг пролиферацияловчи гистотиби, эндометрийдаги гиперпластик жараёнлар ва эндометриоз касаллиги бўлиши ва улар БМнинг пролифератив ўсишига фаоллаштирувчи таъсир қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

МТ озиқланиши турғун бузилишида хомиладорлик ва хомиладорлик мавжуд бўлмаган вақтда МЭни амалга ошириш имконини берувчи янги жарроҳлик усули ишлаб чиқилган;

Йирик миоматоз тугунлар олиб ташлангандан сўнг миометрийнинг аҳамиятли йиртиқлари шаклланади. Ишлаб чиқилган усул бачадоннинг массасини сақлаб қолган равишда деформация даражасини пасайтириш

имконини яратади, репаратив фаолликни кучайтириб, операциядан кейинги асоратларни камайишига ва репродуктив фаолиятни тикланишига олиб келади;

бачадон артерияларини селектив билатерал боғлаб қўйиш ҳомиласиз аёлларда энг мураккаб миоэктомия амалиётларида қон йўқотиш даражасини камайтиришнинг энг яхши ва бехатар усули эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот морфологик, морфометрик ва иммуно-гистохимик натижаларининг илмий аҳамияти, оддий ва пролифератив миомада неоангиогенез, апоптоз, пролиферация жараёнлари ва ўсиш фаоллиги орасидаги юқори боғлиқликни аниқланишида мужассамлашган. Ўсманинг ўсиш жараёни - ҳужайра пролиферацияси ва апоптоз жараёнлари ўртасидаги баланснинг бузилиши сифатида қабул қилиниши мумкин.

Шунингдек тадқиқот натижалари БМ ўсиш механизмининг янги жиҳатларини аниқлашга имкон яратади ва оддий ва пролиферацияланувчи миома ўсиши орасидаги фарқни намоён қилади; оддий БМ ҳомиладорлик даврида ўсиш аввалом бор миоцитлар гипертрофияси ва иккиламчи ўзгаришларда намоён бўлади, миоцитлар пролиферацияси паст, ангиогенез пасайган, апоптоз маркерлар экспрессияси юқори, ўсиш зоналари кам; пролиферацияланувчи БМда миоцитларнинг яққол намоён бўлган пролиферацияси, кам даражадаги строма ҳосил бўлиши, фаол ангиогенез, апоптознинг кескин пасайганлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти жарроҳлик нуқтаи назаридан ўтказилиши ўта қийин бўлган МЭларда репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомиладор ва ҳомиладор бўлмаган даврларда, туғруқ аъзосини қайта шакллантиришга қаратилган такомиллаштирилган жарроҳлик усулини ишлаб чиқилишидир. Амалиётга татбиқ этилган ишланмалар туғруқ аъзосини сақлаб қолиш, репродуктив фаолиятни тиклаш, интра ва операциядан сўнг кузатиладиган асоратларни олдини олиш ва беморни операциядан кейин эрта фаоллаштиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомиладор ва ҳомиладорлик бўлмаган даврларда бачадон миомасини даволашнинг жарроҳлик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бачадонда жарроҳлик амалиётидан кейинги жароҳатни тикиш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (31. 10. 2011 й. №IAP 04432). Мазкур патент

бачадонда жарроҳлик амалиётидан кейинги жароҳатни таклиф қилинган усулда тикиш орқали асоратларни олдини олишга имкон берди;

«Эндометриозларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 29 декабрдаги маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма аёлларда мавжуд эндометриозларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари қўллаш орқали клиник ҳолатни яхшилашга, касаллик асоратларини камайтиришга хизмат қилади;

репродуктив ёшдаги аёлларда ҳомиладор ва ҳомиладорлик бўлмаган даврларда бачадон миомасини ташхислаш ва даволашнинг жарроҳлик жиҳатларини қўллаш бўйича тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, РШТЎИМ ҳамда унинг Бухоро, Навоий, Самарқанд филиалларида ва ШКШ №5 амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 8н-з/68 от 03.05.2018 г. маълумотномаси). Жорий қилинган натижаларнинг иқтисодий самарадорлиги: бачадон миомасини барвақт аниқлаш ва даволашга имкон берувчи ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини ошириш, операциядан кейинги асоратларни 11,6% камайиши, беморни эрта фаоллаштириш ва шифохонада даволаниш муддатини қисқартириш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, шулардан 1 та ихтиро патенти, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Репродуктив ёшдаги аёллар бачадон миомасини даволашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида БМнинг этиопатогенези, ташхислаш ва даволаш, шунингдек, генератив

фаолият амалга ошмаган ёш аёлларда репродуктив статусни сақлашга оид долзарб масалалар бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Консерватив ва оператив даволаш усулларининг қиёсий тавсифи ўтказилиб, ҳар бир даволаш усулининг ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Бачадон миомали репродуктив ёшдаги аёллар клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материаллари ва услублари баён қилинган. Тадқиқот вазифаларига биноан 2001-2012 йиллар мобайнида РШТЁИМнинг шошилинич гинекология бўлимига келтирилган, репродуктив ёшдаги БМ мавжуд 285 нафар бемор аёлларни комплекс текшириш, консерватив ва оператив даволашнинг натижалари ўрганиб чиқилган. Беморлар ёши 18 дан 45 ёшгача ($34,6 \pm 5,0$) бўлган.

1 гуруҳ беморларининг клиник тавсифи: ҳомиладорлиги бўлмаган 195 БМ бўлган ва МЭ ўтказилган аёллар. Операция қилиш учун кўрсатмалар: камқонликка олиб келувчи кўп миқдордаги ҳайз қон кетишлари – 42 (21,5%); оғриқ симптоми – 35 (17,9%). Иккита симптомнинг биргаликда келиши қуйидагича кузатилган: қон кетиши ва оғриқлар 41 (21,0%); тез ўсиш ва қон кетиши 7 (3,6%); оғриқлар ва тез ўсиш 6 (3,1%). Учта симптомнинг бирга келиши 11 нафар (5,6%) беморларда қайд этилган, миоматоз тугуннинг озикланиши бузилиши туфайли шошилинич операция 31 (15,9%) ҳолатда ўтказилган (барча беморларда оғриқ симптоми кузатилган). БМнинг умумий ҳажми 8 дан 24 ҳафтагача бўлган.

195 аёлдан 30(15,4%)сига лапароскопик МЭ бажарилган. Операцияга кўрсатмалар: 12 (21,8%) ҳолатда -тухумдон кистасининг ёрилиши, 20 (36,4%) - най ичидаги ҳомиладорликнинг бузилиши, 8 (14,5%) - тухумдон кистомасининг буралиб қолиши, 5 (9,1%) - эндометриоид кистоманинг ёрилиши, 5(9,1%) - пиосальпинкс, 2 (3,6%) - йиринглаган кистоманинг ёрилиши, 2 (3,6%) - тубоовариал тузилманинг ёриб чиқиши, 1 (1,8%) - тухумдон апоплексияси.

2 гуруҳнинг клиник тавсифи: 90та ҳомиладор аёл, 100%да ушбу ҳомиласи тушиш хавфи ва миоматоз тугунинг озикланишини ўтқир бузилиши билан асоратланган, бу эса клиникага ётиш учун асосий сабаб бўлиб хизмат қилган. Амалдаги МЭ 45 нафар аёлга ўтказилган. Клиникага тушган вақтда ҳомиладорлик муддати 4 дан 35 ҳафтагача бўлган.

Қуйидаги текширув усуллари қўлланилган: умумклиник, лаборатория усуллари (қоннинг умумий таҳлили, сийдикнинг умумий таҳлили, коагулограмма, биокимёвий тестлар); махсус текширув усуллари: 3,5 ва 6,5 МГц частотали конвекс ва қин датчиклари бўлган кўп функцияли В&М Sonolayn Adara сканерида УТТ, доплерометрия, гистеросальпингография, компьютерли томография, Гистологик текширувлар: морфологик, морфометрик, иммун-гистокимёвий усулларидан фойдаланилган.

Маълумотларни статистик таҳлил қилиш учун STATISTICA – 6.0 статистик дастурларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорлиги бўлмаган репродуктив ёшдаги аёлларда миомэктомия ўтказишнинг хирургик жиҳатлари**» деб

номланган учинчи бобида, йирик ва кўп сонли БМ олиб ташлашда чуқур уйик шакллантириш ва миометрийнинг ортиқча йиртмаларини “устма уст” тикиш усулида оптимал тўпламини ҳосил қилиш орқали, бажариладиган бачадон реконструкциясининг такомиллашган усули ишлаб чиқилган, бу аъзо архитектоникасини сақлаб қолиш ва гемостаз йўқотмаларини олдини олишга имкон яратади.



1-расм. Бемор У., 21 ёш. № КТ 25953/588. МЭ ўтказиш этаплари ва чуқур уйикнинг “устма уст” тарзида тикилиши

Ҳомиласиз 148 (89,7%) нафар аёлларда амалдаги МЭ ўтказишда Пфанненштиль бўйича қов устида кесим, 17(10,3%)тасида пастки-ўрта лапаротомиядан фойдаланилган. МТнинг жойлашуви (бачадоннинг олд, орқа девори, туби) бачадон бўшлиғини зарур бўлмаган очилишининг олдини олиш имконини беради, бу айниқса, бўйин МТда муҳим аҳамиятга эга, чунки йўл қўйилган хатолик цервикал каналнинг очилишига ва ундан кейинги асоратлар ривожланишига олиб келиши мумкин. Бачадонни қатъий кўндаланг йўналишда кесиш 132(80,0%) ҳолатларда, қатъий бўйламасига – 8(4,8%), бошқа турлари 25(15,2%) ҳолатларда бажарилган. 17 (10,3%) ҳолатда интралигаментар МТни олиб ташлашда сербар бойлам варақлари кесилган.

МЭни бажаришда, миометрийни элуктрокаутер билан интраорган ўсманинг энг дўппайиб турган жойидан кесиш умумқабул қилинган қоида ҳисобланади, нафақат МТни қоплаб турган миометрийни, балки МТни ҳам кесиш лозим. Бу ўсма чегараларини тезда баҳолашга, ўқ қисқичлари билан ташқи тракциялаш учун ҳам имкон беради. Кўп тугунли БМ замирида МЭ ўтказишда биз битта кесим орқали имкон қадар кўпроқ МТни олиб ташладик, бу қон йўқотилишини пасайтиради, бачадонни ва унинг бўшлиғи деформациясини минималлаштириб, аъзога қўйиладиган чоклар сонини қисқартиради.

МТ энуклеция қилингандан сўнг ҳосил бўлган чуқур уйик архитектоникаси анча турли-туман бўлиб, улар МТнинг катталигига, унинг бачадон деворида ётиш чуқурлигига, МТ теварагидаги миометрий соғлом қисмларининг гипертрофияланиш даражасига ва битта кесим орқали олиб ташланувчи МТ сонига боғлиқ. Бизнинг таснифномамизга мувофиқ барча уйиклар ўлчамларига кўра кичик, ўртача ва катта, чуқурлигига кўра – юза, чуқур (ёки кратерсимон) ва йўлаксимон (бунда уйикнинг чуқурлиги унинг кенглигидан каттароқ) бўлади. Олиб ташланган МТни қоплаб турган соғлом

миометрийда катта лахтақлар ҳосил бўлиши билан кечувчи уйиклар вариантлари алоҳида ўрин тутади. Булар, одатда, йирик интраорган: интрамурал-субмукоз ва интрамурал МТ энуклеация қилинган сўнг учрайди. Мазкур лахтақлар тарзида шаклланган “ортиқча миометрий” гипертрофияланган соғлом миометрий бўлиб, уни сақлаб қолиш зарурдир. Ушбу лахтақларни резекция қилиш мумкин эмас, чунки бу операциядан кейин бачадон ўлчамларининг кичрайиб қолишига олиб келади ва навбатдаги ҳомиладорликка салбий таъсир кўрсатади. Бу каби уйикларни тикиб бекитишнинг мураккаблиги бачадонни, айниқса унинг бўшлиғини кескин деформацияланишига йўл қўймасликдан иборат, бу эса, уйикни оддийгина қайтарма усул билан тиклаш қўлланилганда, чандикланиш пайдо бўлиши ва турғун тарзда фиксацияланиши мумкин. Келтирилган асоратлар бизни МЭдан сўнг бачадонни реконструкциялашнинг хусусий усулини ишлаб чиқишга ундади.

Пайдо бўлган уйикнинг чуқурлиги ва ҳосил бўлган “ортиқча” миометрий тўқимасининг характериға кўра, асосан турли модификациядаги бир қаторли тугунли чоклар ёрдамида тикиб бекитилган, бунда атравматик игнада узоқ муддат сўрилувчи тикув иплари қўлланилган. 20 (12,1%) ҳолларда бачадон биз таклиф этган усулда – бачадонни “устма уст” реконструкцияла усулида тикланган. Бунда ортиқча лахтақнинг бир қисми уйик бўшлиғига, иккинчиси эса унинг устидан ётқизилади. Ҳар иккала лахтақ ҳам, яхши фиксацияланиши, гемостаз ва репарация учун, алоҳида остидаги тўқималарға тикиб қўйилади. Лахтақнинг бирор қисми контралатерал лахтақнинг периметрийсига ётишидан хавфсираш ноўрин бўлиб чиқди, чунки кейинчалик ҳомиладорликнинг кечиши ҳамда ўтказилган КК барча 20 (12.1%) та ҳолатларда бачадон деворининг деярли деформацияланмай, нормал репарацияланишини кўрсатди (ихтиро учун № IAP 04432 патент, ЎзР Патент идораси). Умумқабул қилинган усуллардан фойдаланилганда 5,2% ҳолларда бачадон деворининг деформацияси қайд этилади (Brady et al., 2013).

Кўп сонли МТ ёки катта ўлчамли БМда МЭ бажарилганда интраоперацион қон йўқотилишини камайтириш ва операциядан кейинги қон кетишининг олдини олиш масадида бачадон томирларини олдиндан икки томонлама боғлаб қўйиш амалға оширилган. Улар тафтиш қилинган, пуфакбачадон бурмасининг қоринпардасини ҳамда бачадон сербар бойламининг олд варағини кесиб очилган. Томирларни боғлаб қўйиш учун атравматик ниналарда сўрилувчи иплар ишлатилган. Нина бачадон бўғзининг ён девори миометрийси орқали, цервикал канални шикастлаб юбормасдан ўтказилган. Орқада нинани чиқариб олинган, сербар бойлам варақлари орқали ўтувчи ёруғлик остида томирсиз зонада чокнинг қовузлогига бачадон томирларининг кўтарилувчи шохи кириб турадиган қилиб лигатурани орқаға қайтарилган. Шундан кейин томирлар лигатураланган.

Жойлашиш сатҳига кўра БТ интрамурал-субсероз, интрамурал, интрамурал субмукоз, интралигаментар ва бўғиз турларига мансуб бўлган. Ҳомиладор бўлмаганларда фақат яккам-дуқкам интралигаментар ва бўғиздаги МТ

аниқланган. Интрамурал субмукоз МТ устунлик қилган. Аёлларнинг 49% ида якка МТ, 51% ида – кўп тугунли МТ аниқланган, 35% ида МТ сони 2 дан 4 тагача, 15% ида 5 тадан 16 тагача бўлган. 16 дан 22 см гача бўлган МТ 7% аёлларда, 10-15 см ва 6-9 см – мос равишда 39% ва 37% аёлларда аниқланган.

Жами бепушт аёлларга амалдаги МЭ ўтказилган. 61 нафарида (44,5%) бепуштлик ташхисланган: бирламчи – 33(24,1%), иккиламчи – 28 (20,4%). Бирламчи бепуштликда БМ ўлчамлари 9 дан 24 ҳафталик ҳомиладорликкача ўзгариб турган. Ушбу гуруҳда МТнинг интрамурал ва интрамурал субмукоз жойлашуви устунлик қилган - 18 (54,5%) аёлларда, 21 тасида (63,6%) кўп тугунли БМ аниқланган. МТ ўлчами бепуштликнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатади – 87,3% беморларда доминант МТ диаметри 5,0 см дан катта бўлган. Иккиламчи бепуштликда БМ ўлчамлари ҳомиладорликнинг 9 дан 18 ҳафтагача бўлган даврида ўзгариб турган. МТнинг жойлашган сатҳи бирламчи бепуштликдагига қараганда саёзроқ бўлган. Ҳомилани кўтара олмасликка таъсир кўрсатувчи омилларга МТнинг чуқур жойлашуви ҳамда уларнинг ўлчамларини киритиш мумкин.

Ҳомиладор бўлмаган 165 аёлдан 37 (22,4±4,1%) БМ ва эндометриознинг кўшилиб келиши ташхисланган, айти чоғда бепуштлик кузатилган 61 беморда эндометриоз 28(46,0%) ҳолатда, ҳомила кўтара олмаганларда – 30 бемордан 3 тасида (10,0%) аниқланган, бепуштлик ва ҳомила кўтара олмаслик кузатилмаган 74 аёлнинг 6 тасида (8,1%) ташхисланган. Аденомиознинг диффуз шакли БМ билан кечувчи эндометриоз касаллигига учраган 37 аёлдан 23 (62,3%) тасида, ўчоқли шакли 11(29,7%) тасидаташхисланган. Эндометриозда эндометриоид гетеротопиялар коагуляцияланган, аъзони сақлаб қолган ҳолда тухумдон эндометриоид кисталари энуклеация қилинган. Операциядан кейинги даврда эндометриоз касаллиги бўлган барча аёллар а-ГнРГ қабул қилишган. 37 (22,4%) бемор МТОБ туфайли операция қилинган. Оғрик симптоми қайд этилган, 15 (40,5%) тасида у қон аралаш ажралмалар билан, 5 (13,5%) тасида БМнинг тез ўсиши билан кўшилиб келган. УТТда МТда эхозичликнинг нотекислигидан тортиб то эхонегатив ўчоқларгача, МТ ичида гипо- ва анэхоген ўчоқларнинг мавжудлиги аниқланган. МТОБда МТ жойлашган сатҳ бир текисда тақсимланган, ўлчамлари 10-15 см бўлган айрим МТлар (91,9%) устунлик қилган.

Лапароскопик МЭ 30 нафар аёлда (МТнинг субсероз жойлашуви) ургент ҳолатлар туфайли бажарилган. Бачадон ортиқларининг шошилишч патологияси хирургик коррекциялангандан сўнг лапароскопик МЭ ўтказишга киришилган. Лапароскопик МЭдан кейин пухта гемостаз ўтказиш ва кемтикни бартараф этиш учун 30 ҳолатдан 3 тасида бачадоннинг юза қисмларига лапароскопик чоклар қўйиш талаб этилган. Лапароскопик МЭда қон йўқотиш ҳажми 50,0 дан 100,0 мл гача (ўртача - 50,8±3,2мл) бўлган. Лапароскопик МЭдан кейин эътиборга молик асоратлар қайд этилмаган. Лапароскопик МЭдан кейин БМнинг қайталаниши 5(19,2%) ҳолатда учраган. МЭга боғлиқ асосий интраоперацион асоратлар аденомиоз туфайли қон кетиши ва майда мультитугунли миоматоз ўсиш оқибатида операция ўтказишнинг мумкин бўлмаганлигидан иборат бўлган. Ўчоқли аденомиоз ўта

ифодаланган инфльтрация туфайли УТТда (операциягача) йирик доминант МТни симуляциялаган. МЭни ўтказишда эндометриоз билан боғлиқ энг катта кийинчиликлар 165 аёлдан 4 тасида (2,4%) келиб чиққан. Туғмаган ёш аёлларнинг барчасида аъзони сақлаб қолишга эришилган ва 6 ой давомида а-ГнРГ тавсия қилиниши бачадон ўлчамларини нормал сақланишига олиб келган.

Интраоперацион қон йўқотилиш даражаси амалдаги МЭнинг барча ҳолатларида олиб ташланган МТ массасига ва унинг жойлашган чуқурлигига боғлиқ бўлиб, 100,0 дан 1500,0 мл гача (ўртача $260,0 \pm 15,0$ мл) бўлади. Кўп миқдордаги қон йўқотиш (1500,0 мл) 3. исмли, 22 ёш, КТ№ 12326/415, 20 ҳафтали монотугунли БМ бўлган, ҳамроҳ аденомиоз, бирламчи бепуштлик ва 15×18 см ўлчамли йирик интрамурал субмукоз МТ мавжуд беморда содир бўлган. 37(22,4%) ҳолларда катта интраоперацион қон йўқотиш хавфи рўйи-рост бўлганида бачадон артерияларининг кўтарилувчи шохларини икки томон-лама превентив боғлаб қўйилган. Ушбу ҳолатларда йўқотилган қон 200,0 дан 600,0 мл гача (ўртача $210,0 \pm 10,0$ мл) бўлиб, ўртача ҳажмлардан фарқ қилмаган. МТнинг максимал ўлчамлари 6 дан 21 см гача ораликда бўлган. Бунда 37 ҳолатдан 9 тасида (24,3%) ҳамроҳ аденомиоз қайд этилган. 37 тадан 27 тасида (73,0%) МТОБ кузатилган. Операциядан кейинги даврда асоратлар бўлмаган.

Диссертациянинг **«Ҳомиладорлар орасида асоратланган БМ клиникаси хусусиятлари ва даволаш натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида БМга чалинган муддати 4-35 ҳафталик 90 нафар ҳомиладор аёллар кузатуви остида бўлишган. Касалхонага ётқизиш учун асосий кўрсатма ҳомиладорлик замиридаги миоматоз тугуннинг озикланишини ўткир бузилиши бўлган. Консерватив ёки операция билан даволаш, шу жумладан шошилиш кўрсатмаларга мувофиқ ҳомиладорликни тўхтатиш ҳақидаги ҳулоса БМ, айниқса консерватив усулларга инкурабел МТОБ, шунингдек тез ўсувчи БМ замиридаги хоҳланган ҳомиладорликнинг тўхташ хавфи туфайли келиб чиққан ургент асоратларни ташхислашга асосланган. Дифференциал ташхислаш клиник манзарага ва қўшимча текшириш усулларига: УТТ, доплерометрия, гемограмма ва гемостазиограммага, МТОБнинг консерватив терапиясига ва ҳомиладорликнинг тўхташ хавфига қаратилган клиник жавобга асосланган

МТОБли жами 90 аёлда тўхташ хавфи бачадон соҳасидаги тўлғоқсимон ёки санчикли оғриқлар билан намоён бўлган. Ҳомиладор бачадон соҳасидаги МТ кўринишидаги (УТТда верификацияланган) пайпасланувчи тузилма ҳамда унинг проекциясида локал оғриқнинг мавжудлигидан далолат беради. Ташхислашнинг дастлабки босқичларида давоми тўхташ хавфини нима келтириб чиқараётганлигини, яъни МТОБ ёки киприкли хорион ёхуд йўлдошнинг кўчиши каби бошқа, омилларни аниқлаш муҳимдир, буларни аниқлашнинг белгилари жинсий йўллардан қонли ажралмалар келиши ва УТТ ва доплерометрик мониторинги маълумотлари ҳисобланади (2-расм).

Тўлғоқсимон оғриқ 20,0% беморда, жинсий йўллардан қонли ажралмалар келиши 20,0%, бачадон тонусининг ошиши 20,0% аёлда

аниқланган. Қорин парда таъсирланиши белгилари, тана ҳароратининг ошиши, лейкоформуланинг чапга силжиши билан кузатиладиган лейкоцитоз барча аёлларда кузатилган. Тўлғоқсимон оғриқ 20,0% беморда, жинсий йўллардан қонли ажралмалар келиши 20,0%, бачадон тонусининг ошиши 20,0% аёлда аниқланган. Қорин парда таъсирланиши белгилари, тана ҳароратининг ошиши, лейкоформуланинг чапга силжиши билан кузатиладиган лейкоцитоз барча аёлларда кузатилган.



2-расм. Миоматоз тугуннинг озикланиши мавжуд ҳомиладорларда симптоматика хусусиятлари

Ушбу гуруҳдаги 4 аёлда ҳомиладорликни сақлаб қолиш мумкин бўлмаганлиги МТнинг йирингли нураши билан некрозга учраши, диффуз йирингли перитонит, иккиламчи аппендицит, кенг қўламли қон кетишлари, йўлдаги аборт, геморрагик шок III, ДВС (ДТИҚҚ)-синдром, полиорган етишмовчилиги, 4 даражали эндометриоз) боис гистерэктомия бажарилган. 45 аёлдан 41 тасида ҳомиладорликни сақлашга йўналтирилган МЭ ўтказилган. Она ва ҳомила учун аралашувнинг бехатарлиги ва истиқболлиги куйидагиларни ўз ичига олган: МТнинг соф субсукоз жойлашуви билан бирга жинсий йўллардаги қонли ажралма ва интрамурал субмукоз МТга бевосита ёндашиб турувчи бачадон бўшлиғи шиллиқ пардаси юзасида плацентациянинг мавжуд эмслиги, оғир экстрагенитал патология.

Ўрганилаётган муаммонинг энг муҳим жиҳати ҳомиладорлардаги МЭда қон кетишидир, чунки қонни асровчи технологияларнинг (бачадон артерияларини билатерал боғлаб қўйиш, бачадон бўйнига вақтинчалик резинали турникет қўйиш, томирларни торайтирувчи препаратлар, тугун марцеляцияси ва бошқа) қўлланиши ҳомиладорларда жиддий чеклашларга эга. Биз ҳомиладорлардаги МЭда кўтарилиувчи бачадон артерияларини превентив боғлаб қўйишнинг самарадорлигига оид тадқиқотларни учратмадик. Дастлаб қаралганда, ҳомилада келиб чиқувчи гипоксия туфайли


ушбу услубнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқ келмайди. Бироқ гипоксия даражасининг бачадондаги қон оқими редукцияси даражасига боғлиқлиги ўрганилмаган. Биринчи бор ҳомиладор бўлган 20 ҳафталик муддатдаги ёш аёлда, бачадон тубидаги диаметри 22 см лик инрамурал МТ некрозида, биз МТ кўпроқ жойлашган томондаги бачадон томирларини гомолатерал боғлаб қўйиш, шу тарафдаги тухумдон хусусий бойламини клеммалаш ҳамда МЭни амалга оширдик. Тухумдон томирлари бўйлаб қон оқимини, бачадон девори тикланган захотиёқ, гемостазни назорат қилган ҳолда тикладик. Операциядан кейинги даврнинг силлиқ кечиши ҳамда 18 ҳафта ўтгач оғирлиги 3800,0 г соғлом қизчанинг муддатига етиб (КК) туғилиши яна кейинчалик 3 та ҳолатда бачадон қон оқимини редукциялашни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилди. Допплероетрик мониторинги назорати остида қон оқими баттафсил тикланган.

45 (50,0%)та ҳомиладорларда даволаш мувофиқ олиб борилган. 2-3 кунда давомида терапия натижалари баҳоланган. 12 ҳафталик муддатгача ҳомила ташлаш хавфи тақозо этган бачадондан кучли қон кетиши билан тушган 3 (6,7%) аёлда шошилиш равишда бачадон бўшлиғини тозалаш ўтказилган, гемостаз қониқарли бўлиб, ПММТ белгилари аста-секин лизисга учраган. 18 аёлдан 15 тасида жинсий йўллардан қонли ажралмалар келиши анча кам бўлиб, бу консерватив даво билан чекланиш имконини берган. ПММТ белгилари ўтказилаётган даволаш замирида динамикада секин-аста йўқолиб борган.

Диссертациянинг «**Бачадон миомасининг морфологик ва морфометрик тавсифи**» деб номланган бешинчи бобида тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, оддий ва пролиферацияланувчи БМда неоангиогенез, апоптоз, пролиферация ва ўсиш фаоллиги жараёнлари орасида чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Оддий БМда ҳомиладорлик вақтида ўсманинг ўсиши авваламбор, миоцитлар гипертрофияси ва иккиламчи ўзгаришлар туфайлидир, миоцитлар пролиферацияси паст, ангиогенез паст, апоптоз маркерлари экспрессияси юқори, ўсиш зоналари кам. Ҳомиладорлик даврида МТнинг ўсиши (пролиферацияланувчи БМ) негизида миоцитларнинг яққол пролиферацияси, камроқ даражада строма ҳосил бўлиши, фаол ангиогенез бўлади, апоптоз кескин пасаяди (3-расм).

Ҳомиладорларда оддий БМнинг ўсиш механизми строма-паренхима нисбатига боғлиқ бўлиб, беморларнинг 45 тадан 39 тасида секин пролиферацияловчи ўсиш ҳамда одатда, кўпроқ бачадоннинг тубида ҳамда танасида инрамурал субсероз ва мушак орасида жойлашувчи яккам-дуккам МТ билан тавсифланади. Ҳомиладорлик вақтида ўсманинг ўсиши, авваламбор, миоцитлар гипертрофияси ҳамда микроциркуляция бузилишлари ва некробиоз жараёнларининг ривожланиши билан кечувчи иккиламчи ўзгаришларга боғлиқ.

3-расм. Бачадон миомасининг морфометрик характеристикаси в астромал-паренхима компонентларининг хусусияти



